

Бақара сураси, 169-оят

14:15 / 07.01.2018 4657

Албатта, у сизларни фақат ёмонликка ва фаҳшга ҳамда Аллоҳга нисбатан билмаган нарсангизни гапиришингизга буюрадир. *Бақара 169.*

Аллоҳ таоло ўтган оятда «Эй одамлар!» деб бошлаган оммавий нидосини бу оятда давом эттириб, шайтоннинг одамларга душманлигидан уч хилини эслатмоқда:

«Албатта, у сизларни...» яъни «Шайтон сизларни...»

«**ёмонликка**» – нима ёмон нарса бўлса, шариатда «ёмон» дейилган, урфда «ёмон» дейилган ва ақл ҳам «ёмон» дейдиган ишларга буюради. Яна у сизларни

«**фаҳшга**» – уят, айб ишларга буюради.

«...ҳамда Аллоҳга нисбатан билмаган нарсангизни гапиришингизга буюрадир».

Аллоҳ таолога, Унинг динига қарши ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришга амр қилади.

Аллоҳ таоло рост айтади. Дарҳақиқат, дину диёнатсиз, иймону Исломсиз шахсларнинг ишлари ва гапларига яхшилаб назар солган одам бу ҳақиқатни дарҳол тушуниб етади. Ундай шахслар шайтонга малай бўлиб қоладилар. Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормайдилар. Дунёдаги барча ёмонликларни тап тортмай қилаверадилар. Фахш ишларни – зино, уятсизлик ва беҳаёликни ўзларига фахр биладилар. Ундай шахслар Аллоҳ таоло, дин ва шариат ҳақида оғизларига келганини бўғизларига ютмай гапираверадилар.